

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМАМАТОВ ИСМОИЛ АБСАЛАМОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУҲИТИДА
ПЕДАГОГЛАРНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
докторска философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Эшмаматов Исмоил Абсаламович

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини шакллантириш..... 5

Эшмаматов Исмоил Абсаламович

Формирование теоретико-педагогических основ развития информационно-коммуникативной компетентности педагогов в среде современных информационных технологий..... 21

Eshmamatov Ismoil Absalomovich

Formation of the theoretical and pedagogical foundations for the development of information and communication competence of teachers in the environment of modern information technologies 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМАМАТОВ ИСМОИЛ АБСАЛАМОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУҲИТИДА
ПЕДАГОГЛАРНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped344 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бегимкулов Узоқбой Шойимкулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хусанбоева Қундузхон Парпалиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Тайлаков Норбек Исакулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Phd.28.03.2018. Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш Илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиёв
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Европа Кенгашининг “Таълим ва кадрларни тайёрлаш” дастури, “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси”да педагог кадрлар малакасини узлуксиз оширишнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириб бориш кўзда тутилган. Шу билан бирга, ЮНЕСКОнинг “Ўқитувчиларнинг АКТ бўйича компетентлигини ривожлантириш” дастури педагогларни виртуал таълим технологияларини самарали татбиқ этишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда педагогларнинг касбий компетентлиги, жумладан ахборот-коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш, интерактив таълим муҳитини ташкил этиш ва амалга оширишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида зарурат юзага келмоқда. Таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кутубхоналарининг Америка ассоциацияси (ACRL) томонидан информацион компетентликни педагогнинг ахборотларни излаш, баҳолаш ва самарали қўллашни талаб этадиган қобилиятлар мажмуи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш таклиф этилган. Мазкур жиҳат ахборот таълим муҳити шароитида интерфаол мулоқотни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бу эса педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилмоқда.

Республикамызда олий таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида ўқитиш жараёнига интерактив дастурий воситаларни кенг жорий этиш, “Келажак университети” сифатида масофавий таълимни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ муҳим вазифа сифатида белгиланди. Мазкур вазифалар замонавий ёндашувлар асосида малака ошириш жараёнида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва амалий-технологик тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда педагог-кадрлар малакасини оширишнинг педагогик асослари, ташкилий-методик шарт-шароитлари, тамойиллари, ушбу жараёни ташкил этишга қўйилаётган ижтимоий-педагогик талаблар, ахборот-коммуникация технологияларининг педагог кадрлар малакасини оширишдаги ўрни, педагогларнинг касбий ривожланишида ахборот-коммуникатив компетентликка эга бўлишнинг аҳамияти А.Аминов, З.А.Артикбаева, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, М.Дехқонова, М.Т.Жуманиёзова, Ш.Қ.Мардонов, М.Т.Мирсолиева, М.М.Ниматулаев, Б.Нуридинов, Д.М.Сайфуров, М.Файзиева, Д.А.Хидоятова, Т.Т.Шоймардонов, Р.Т.Юлдашев, А.Д.Асқаров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида педагог кадрларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият моҳияти, механизми, омиллари, методик асослари В.И.Байденко, А.С.Белкин, И.И.Боброва, Л.В.Бочарова, Н.П.Бурцев, С.А.Быков, В.Н.Введенский, З.В.Возгова, Г.С.Вяликова, Н.Г.Витковская, В.Б.Гаргай, Н.Ю.Гончарова, А.В.Гоферберг, В.В.Гриншкун, С.А.Дочкин, В.М.Дрофа, С.А.Жданов, Д.Ф.Ильясов, Л.М.Исмаилова, С.Д.Каракозов, Р.О.Калошина, Ю.Н.Куликова, С.Д.Муканова, А.А.Мухатаев, Т.С.Панина, В.А.Паттурин, А.И.Тимошенко, А.А.Толкачева, О.В.Урсова, Н.А.Филинова, Е.К.Хеннерлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Э.Х.Морий (E.H.Mory), Томас Л.Фредман (Thomas L. Friedman), У.Биненграбер (U.Bienengraber), О.Ворндран (O.Vomdran), М.Осборн (M.Osborn)ларнинг илмий ишларида педагог-кадрларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг интеграцион, адаптив ва модулли технологиялари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-42. “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари педагогларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш мезонларини ишлаб чиқиш;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Тадқиқотнинг объекти малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаси педагогларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат), педагогик эксперимент, натижаларни математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари технологик (кутилган натижаларга эришишни кафолатлаш) ва интерфаол (on-line ва off-line мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш) омилларга устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш мезонлари (мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив) лойиҳавий фаолиятнинг масофавий шакллари (форумлар, таълимий платформа, интеллектуал карта)ни фаол қўллаш асосида аниқлаштирилган;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделининг таркибий асослари (мазмуни, амалий, натижавий) таянч (мотивацион), махсус (когнитив) ҳамда касбий (фаолиятли-рефлексив) малака даражаларини мақбул уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлан-тириш технологияси мазмуни электрон ресурс(веб квест тизими)ни витаген (амалий фаолият тажрибаси) таълим билан интеграциялаш асосида бойитилган.

Тадқиқот амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

ахборот таълим муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг услубий асослари такомиллаштирилган;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривож-лантириш тушунчаси муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривож-лантиришнинг дифференциал ёндашувга асосланган тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологик асосининг таъминланганлиги, адекват методик тадқиқотларнинг амалга оширилганлиги, синов майдонларининг етарлича танланганлиги; зарур микдорда синов ишига респондентларнинг жалб этилганлиги; математик-статистиканинг ишончли методлари (“Statistica 6.0” дастуридаги нопараметрик статистиканинг Спирмен ранг корреляция методи, Фишер мезони) ёрдамида тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги, тўпланган маълумотлар ишончли, аниқлигининг исботланганлиги, якуний натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели ва технологиясининг яратилганлиги, малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси асосланиб, унинг синовдан ўтказилганлиги, малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлик сифатларига эгалик даражасини баҳоловчи мезонларнинг аниқлаштирилганлиги, амалий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогларнинг амалий-методик ишланмалар билан таъминланганлиги, “Педагогнинг касбий фаолиятида ахборот-коммуникация технологияси” модули (“Ахборот-коммуникация технологияси ва педагогик фаолият”, “MS Office воситалари кўмагида кўргазмали ва ўқув-услубий материалларни тайёрлашнинг методик асослари”, “Таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг методик жиҳатлари”, “Педагогик фаолиятда Интернет технологиялар” кабилар) мазмунини муаллифлик мавзулари билан бойитилганлиги; малака ошириш курсида таҳсил олган олий таълим муассасалари педагоглари томонидан ахборот-коммуникацион компетентлик сифатларининг самарали ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва баҳолаш мезонларини аниқлаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сон Қарори билан тасдиқланган масофавий малака оширишнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 87-03-1020-сон маълумотномаси). Натижада такрорий малака ошириш тизимини масофавий, мустақил таълим шаклида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиш имкониятини беради;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга доир таклифлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 ноябрдаги 877-сон буйруғи билан тасдиқланган малака ошириш курслари ўқув режасидаги “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модулининг электрон-методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 декабрдаги 87-03-3489 сонли маълумотномаси). Натижада педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнини индивидуал ва табақавий ёндашувни самарали татбиқ этишга эришилган;

педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш технологияси мазмунини такомиллаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон Қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 майдаги 87-03-1715-сон маълумотномаси). Натижада педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда виртуал таълим технологияларини самарали қўллашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та ҳалқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлан-тиришнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланиб, унда малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий тавсифи, педагогларнинг ахборот-комму-никатив компетентлигини ривожлантиришга қўйиладиган талаблар ҳамда педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлан-тиришнинг мавжуд ҳолати тўғрисида сўз юритилган.

Замонавий таълим билим олишга нисбатан янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Анъанавий таълимда ўқитувчи тайёр билимларни узатиш ролини бажариб, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш вазифасини бажарган. Бугунги кунда унинг зиммасига педагогларни ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув-лойиҳавий ва ўқув-тадқиқот фаолиятларини ташкил этишга йўналтириш вазифалари қўйилмоқда. Бинобарин, педагогларнинг ахборотни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, улардан амалиётда фойдаланиш каби ҳолатларни ифодаловчи ахборот компетентлигига, ўқув топшириқлари бўйича бир неча ечимларни илгари суриш, улар орасидан оптимал ечимни аниқлаш, ечимни баён этиш, асослаш, ечим бўйича ўз фикрларини ҳимоя қилишдан иборат коммуникатив компетентликка эга бўлишларини таъминлаш давр талаби саналади. Педагогларнинг ахборот ва коммуникатив компетентликка эга бўлишларини таъминлаш учун эса олий таълим муассасининг педагогларида ҳам туркум касбий компетентлик сифатлари, хусусан, ахборот-коммуникатив компетентлик мавжуд бўлиши зарур.

Тадқиқотни олиб боришда “ахборот-коммуникатив компетентлик” тушунчасини педагогик нуқтаи назардан шарҳлашга эътибор қаратилди. Бизнингча, **ахборот-коммуникатив компетентлик** – мутахассиснинг ахборот-коммуникация технологиянинг функционал имкониятларидан тўлақонли хабардорлиги (билиш даражаси), фаолиятни самарали ташкил этиш кўникма, малака, тажрибаларини ўзлаштириши (мотивацион даража), улардан касбий мақсадларни амалга ошириш йўлида изчил, самарали фойдалана олиш (фаолият даражаси), ижод маҳсулини яратиш (ижодий даража) қобилияти. Мазкур таъриф турли соҳаларда фаолият юритувчи мутахассисларнинг умумий касбий сифатларидан бирини англатишга хизмат қилади. Мазкур таърифдан келиб чиққан ҳолда, “педагогнинг ахборот-коммуникатив компетентлиги” тушунчасини шарҳлаш имконияти юзага келади.

Педагогнинг ахборот-коммуникатив компетентлиги – педагогнинг касбий фаолиятни самарали ташкил этиш кўникма, малака, тажрибаларини ўзлаштириши (мотивацион даража), ахборот-коммуникация технологиянинг функционал имкониятларидан тўлақонли хабардорлиги (когнитив даража), улардан педагогик мақсадларни амалга ошириш йўлида самарали фойдалана олиш, ижод маҳсулини яратиш (фаолиятли-рефлексив даража) қобилияти.

Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни қуйидаги тамойиллар асосида кечади (1-расм):




1-расм. Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари

Ахборот-коммуникатив компетентлик қуйидаги компетенциялар мажмуидан иборат (2-расм):



2-расм. Ахборот-коммуникатив компетентликни асосини ташкил этувчи компетенциялар

Тадқиқот муаммосига оид адабиёт ва манбалар билан танишиш, малака талабларини инобатга олган ҳолда иш асосида педагогнинг ахборот-коммуникатив компетентлиги негизда қуйидаги сифатлар намоён бўлиши зарур, деган хулосага келинди (3-расм):



3-расм. Ахборот-коммуникатив компетентликни асосини ташкил этувчи компетенциялар

Тадқиқот муаммосининг назарий ва амалий ўрганиш бугунги кунда республика олий таълим муассасаларининг педагоглари компьютер саводхонлигига эга бўлиш билан бирга малака ошириш курсларида ахборот-коммуникация технологиялардан ўқув мақсадларида фойдаланишнинг самарали йўллари, шакл, метод ва воситалари, компьютер технологияси, матн процессорлари, электрон жадваллар билан ишлаш, шунингдек, Интернет тармоғи имкониятларидан мақсадли, изчил фойдаланишга оид билимларга эга. Педагоглар электрон ахборот таълим ресурсларига доир дастур ва лойиҳалар билан таништирилган ҳамда улардан ўқув жараёнида амалий фойдаланиш йўллари ўзлаштирган. Асословчи ахборот-коммуникация технологиялари жараёнида респондент-тингловчиларнинг ўзларида ахборот-коммуникатив компетентликни намоён этишдаги билим, кўникма ва малакалари даражаси таянч (қуйи – мотивацион), махсус (ўрта – когнитив) ҳамда касбий (юқори – фаолиятли-рефлексив) даража тарзида баҳоланди.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш омиллари, йўллари, самарали шакллари, методлари, воситалари ва технологиялари ёритилган.


Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделининг асосий омили малака ошириш самаралилигини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар ҳисобланади. Малака ошириш тизимида педагоглар ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш шарт-шароитлари сифатида тингловчиларда мазкур сифатни ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш имкониятини яратувчи объектив (моддий асос – қулай таълим муҳити), моддий-техник (АКТ, форумлар, таълимий платформа, интеллектуал карта, видеопроекторлар билан жиҳозланган аудитория, компьютер дастурлари), дидактик таъминот (ўқув модулидан адабиётлар, методик ишланмалар) ва субъектив (маънавий асос -

ўқитувчиларининг билим даражаси, касбий маҳорати, тажрибаси; ахборот-коммуникатив технологияларни ўзлаштириш эҳтиёжига эгалиги; малака ошириш курси жараёни ва курсдан кейинги фаоллиги, объектив характердаги мониторинг натижалари) шарт-шароитларни эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологиялари муҳотида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели (4-расм).

Ҳар қандай жараённинг самарали кечиши, фаолиятнинг муваффақиятли ташкил этилиши унга таъсир этадиган омилларга боғлиқ. Шунга кўра тадқиқотни олиб бориш даврида олий таълим муассасалари педагогларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш жараёнининг самарали кечишига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди.

Мавжуд адабиётлар билан танишиш ва малака ошириш тизими амалиётини ўрганиш натижасида қуйидаги омилларнинг олий таълим муассасалари педагогларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатиши аниқлаш мумкин: педагогик шарт-шароитлар (ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технология, замонавий техник ва дидактик воситалар билан жиҳозланганлиги; ўқув адабиётлари, шу жумладан, электрон ахборот-таълим ресурслари, Интернет халқаро ахборот тармоғида ишлаш имкониятининг мавжудлиги); маҳоратли, тажрибали педагоглар ва техник ходимлар таркибининг шакллانганлиги; профессор-ўқитувчилар ва техник ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиши; тингловчиларнинг малака ошириш тизимида ташкил этиладиган ўқув фаолияти самарадорлигига эришиш; профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар, тингловчилар ўртасида ўзаро самимий муносабатнинг ўрнатилганлиги.



4-расм. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели

Тадқиқотнинг самарадорлиги олий таълим муассасалари педагогларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш йўллари ҳақида аниқ белгилаб олинишига боғлиқ. Назарий таҳлил, респондент-тингловчилар ўртасида ташкил этилган анкета сўрови натижаларига кўра олий таълим муассасалари педагогларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш йўллари қуйидагилар эканлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Малака ошириш курсларида дастурий таълимни ташкил этиш.
2. Малака ошириш курсларидан кейин мониторинг ва методик ёрдамни уюштириш.
3. Олий таълим муассасалари педагогларининг ўзида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш мақсадида мустақил ўқиб-ўрганиши.

Малака ошириш курслари ёки курсдан кейинги жараёнларда педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш учун веб-форум, чат, on-line ва off-line мулоқот каби ташкилий шакллар танланди.

Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқот даврида суҳбат, маъруза, баҳс-мунозара, on-line мулоқот, тақдирот, лойиҳа, муаммоли вазият (кейс), ассесмент, баҳолаш каби методларидан фойдаланилди.

Малака ошириш курсларида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнида ўқитиш воситаларининг тўғри танланиши ҳам қўлланган натижага самарали тарзда қўлга киритиш имкониятини яратди. Малака ошириш курслари педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда умумий дидактик воситалар билан бирга бевосита тадқиқот муаммосини ҳал қилишни таъминлашда аҳамиятли бўлган Telegram дастурига асосланган мобил илова, Интернет тармоғи, “Индивидуал ривожланиш дастури”, ўқув ахборотлари, методик ишланмалар (тарқатма материаллар, иш қоғозлари), назорат топшириқлари, ижодий лойиҳалар каби воситалардан фойдаланиш самарали эканлиги асосланди.

Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда, шунингдек, инновацион таълим технологияларини ҳам тўғри танлаш талаб этилади. Зеро, уларнинг тўғри танланиши таълим жараёнини изчил, тизимли ва самарали кечишини таъминлайди. Тадқиқотни амалга оширишда тадқиқот муаммосини ижобий ҳал қилишда андрогогик характердаги (муаммоли, кичик илмий изланиш) ҳамда ривожлантирувчи таълим технологияларидан ўринли, мақсадли ва самарали фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишларининг амалий моҳияти”** деб номланган учинчи бобида эса малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг умумий моҳияти ҳамда педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг натижалари тўғрисида сўз юритилган.

Тажриба-синов ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази (кейинги ўринларда БИММ) ҳамда республика олий таълим муассасалари ҳузуридаги минтақавий марказларда 2013-2017 йиллар мобайнида уч босқич (асословчи, таълимий ва таъкидловчи босқичлари)да ташкил этилди.

Малака ошириш тизимида педагоглар ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш бўйича асословчи тажриба-синов ишининг мақсади – малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга оид моделини амалиётга татбиқ этиш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов ишларининг мазкур босқичида қуйидаги вазифалар ҳал этилди: малака ошириш тизимида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун зарур бўлган ўқув курсларини ишлаб чиқишга доир концептуал ёндашувларни аниқлаш; “Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлиги” тушунчаси мазмуни ва тузилмасини аниқлаштириш; малака ошириш тизимида педагоглар ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг амалиётга йўналтирилган моделини синовдан ўтказиш; малака ошириш тизимида педагоглар ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир ўқув-методик мажмуани ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган модулли дастур асосида педагоглар ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни сифати ва самарадорлигини баҳолаш.

Таълимий тажриба босқичида Бош илмий-методик маркази, олий таълим муассасалари ҳузуридаги минтақавий марказларда малака ошираётган педагогларнинг ўқув модуллари бўйича ўқув, ассесмент ва тест топшириқларини бажариш, лойиҳа ишини тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш, шунингдек, лойиҳа иши юзасидан тақдимотни тайёрлашдан иборат таълимий фаолиятларни ахборот-коммуникация технология воситасида амалга ошириш, бу жараёнда техник, технологик ва функционал ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ, изчил, самарали амалга ошириш малакаларининг муваффақиятли ўзлаштира олишлари тадқиқот мақсадига эришишни кафолатловчи амалий натижа сифатида эътироф этилди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда қуйидаги илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва таълимий тажриба босқичида уларнинг самарадорлиги ўрганилди: 1. Малака ошириш курсларининг мавжуд имкониятларига таяниб педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришга эътибор қаратиш ва бу борада зарур шарт-шароитларни яратиш. 2. Тармоқ ва минтақавий марказларда тингловчиларнинг таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиядан фойдаланиш малакаларини ошириш йўлида малака ошириш курсларидан кейин методик ёрдамни ташкил этиш. 3. Малака ошириш курслари тингловчиларининг ўзларида ахборот-коммуникатив компетентлик сифатларини ривожлантиришга бўлган қизиқиш

ва мотивни юзага келтириш. 4. Респондент-тингловчиларда малака ошириш курсларидан кейин ҳам ўзларида мавжуд бўлган ахборот-коммуникатив компетентликни изчил ривожлантириб боришни таъминловчи малакаларни шакллантириш.

Асословчи ва таъкидловчи тажриба жараёнида малака ошириш курслари тингловчиларида ахборот-коммуникатив компетентликнинг ривожланганлик даражасини баҳолашга эътибор қаратилди. Бу йўлда ташкил этилган педагогик фаолият учун респондент-тингловчиларнинг тест сўрови саволларига жавоблари ва берилган топшириқларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида хатосиз бажара олишлари асос сифатида қабул қилинди. Асословчи тажриба даврида респондент-тингловчиларнинг тест сўровига жавоблари кутилган натижаларни бермади. Тажриба ва назорат гуруҳлари тингловчиларнинг назарий билимлари даражаси ўртасида деярли фарқ кўзга ташланмади.


Олий таълим муассасалари педагогларининг таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш борасидаги ахборот-коммуникатив компетентликка эга бўлишлари уларнинг касбий тайёргарликларини ифодаловчи асосий мезон ҳисобланади. Бинобарин, уларнинг келгусида касбий фаолиятни самарали ташкил эта олишлари учун назарий билимларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Шу сабабли асословчи ва таъкидловчи тажриба даврида малака ошириш курслари респондент-тингловчиларининг амалий жиҳатдан ахборот коммуникатив компетентликка эгалик даражалари аниқланди (1-жадвал):

1-жадвал

Респондент-тингловчилар томонидан амалий топшириқларнинг бажарилиш кўрсаткичлари (тажрибанинг аввали ва якунида)


Гуруҳлар	Тинглов-чилар сони	Даража кўрсаткичлари					
		Юқори		Ўрта		Қуйи	
		Тажриба аввали	Тажриба якуни	Тажриба аввали	Тажриба якуни	Тажриба аввали	Тажриба якуни
Тажриба	134	32	50	40	59	62	25
Нazorat	139	31	35	43	46	65	58

Жадвал кўрсаткичларига мувофиқ якуний тажриба натижалари асосида 1-диаграммалар шакллантирилди (1 ва 2-диаграммалар):



1-диаграмма. Респондент-тингловчилар томонидан амалий

топшириқларнинг бажарилиш кўрсаткичлари (тажриба аввалида)



2-диаграмма. Респондент-тингловчи томонидан амалий топшириқларнинг бажарилиш кўрсаткичлари (тажриба якунида)

Якуний кўрсаткичлар Стьюдент-Фишер критерийси (методи) асосида статистик таҳлил қилинди. Статистик таҳлил 2-диаграмма кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. Танланган метод шартларига кўра жадвал кўрсаткичлари асосида ҳар икки гуруҳ учун математик кутилиш, танланма дисперсия ва ўртача квадрат четланишлари топилади (2-жадвал):

2-жадвал

Статистик таҳлил қийматлари

Гуруҳлар	$\bar{X}$	$\bar{Y}$	D_m	D_n	Δ_m	Δ_n
Тажриба	4,2	-	0,66	-	0,08	-
Назорат	-	3,9	-	0,64	-	0,10

Натижалардан кўрсаткичлар учун ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \quad \bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$4,2 - 0,08 \leq a_x \leq 4,2 + 0,08$$

$$3,9 - 0,10 \leq a_y \leq 3,9 + 0,10$$

$$4,12 \leq a_x \leq 4,28$$

$$3,8 \leq a_y \leq 4$$

га тенг.

Демак, ишончли интерваллардан тажрибадан кейинги тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра ўтказилган тажрибанинг ҳаққонийлиги келиб чиқди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади:

Бизга маълум $\bar{X}=4,2$; $\bar{Y}=3,9$; $\Delta_m=0,08$; $\Delta_n=0,10$ га тенг. Ушбу тенгликлар асосида тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари аниқланади:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,08}{3,9 + 0,10} = \frac{4,12}{4} = 1,03 > 1;$$

$$K_{об} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,2 - 0,08) - (3,9 - 0,10) = 4,12 - 4 = 0,12 > 0;$$

Статистик таҳлил натижалари малака ошириш курслари ва курсдан кейинги жараёнларда респондент-тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида касбий билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонининг бирдан, ахборот-коммуникатив компетентлик даражасини баҳолаш мезонининг эса нолдан катталигини тасдиқлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг амалий йўналтирилган модели асосида тажриба гуруҳидаги педагогларнинг малака ошириш тизимида тайёргарликдан ўтишлари натижасида мазкур дастурнинг самаралилиги тўғрисида хулоса чиқариш имкониятини берди. Хусусан, келтириб ўтилган маълумотлардан мазкур дастурнинг тажриба гуруҳидаги респондент-тингловчиларнинг ахборот-коммуникатив компетентлик сифатларининг ўртача 27,6 % , назорат гуруҳида эса 5,0 % га ривожлантириш имконини берганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

“Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш назарий-педагогик асосларини шакллантириш” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фан ва техника ютуқларининг педагогик фаолиятга жорий этилиши натижалари педагог шахсида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш ва таълим жараёнида муносабатни самарали таъминлаш учун хизмат қилади.

2. Ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш асосида педагогларнинг ахборот-коммуникация технологияларининг функционал имкониятларини ўрганиш эҳтиёжи (мотивацион даража), улардан тўлақонли хабардорлиги (когнитив даража), ахборот-коммуникация технологиядан педагогик мақсадларни амалга ошириш йўлида изчил, самарали фойдаланиш, ижодий маҳсулотни яратиш (фаолиятли-рефлексив даража) қобилияти шакллантирилади.

3. Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлиги асосий кўрсаткичларининг ташхиси ва қиёсий таҳлили мазкур компетентликни ривожлантиришнинг уч даражаси: таянч (қуйи – мотивацион), махсус (ўрта – когнитив), касбий (юқори – фаолиятли-рефлексив) даражалари мавжудлигини кўрсатди. Мазкур фаолият мазмунини ахборий мотивация, ахборий саводхонлик, ахборот истеъмоли маданияти ва медиа маданият ташкил этади.

4. Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини шакллантириш жараёнини лойиҳалаштириш: мақсадни белгилаш; педагогларнинг индивидуал ва ёш кўрсаткичларини, ахборот-коммуникатив компетентлик ривожланганлигининг мавжуд даражасини ҳисобга олиш; мазкур жараённинг самарадорлигини таъминлаш имконини берувчи педагогик шарт-

шароитларни аниқлаштириш; малака ошириш натижаси ва унинг назорати кабиларни ўз ичига қамраб олади.

5. Педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш касбий лаёқатга эгалик, ўз соҳасини яхши билиши, ўз устида ишлай олиши, ўзининг қабул қилган қарорларига масъулликни англаши, касбий малакасини мунтазам ошириб бориш каби кўникма, малакаларга эгалиklarини ҳисобга олишни талаб этади.

6. Педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик шарт-шароитларни, самарали йўлларни, ана шу мақсадга йўналтирилган илмий педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари, методлари, воситалари ва технологияларини аниқлаб олиш, уларни мақсадли танлаш муҳим аҳамият касб этади.

7. Малака ошириш тизимида педагоглар шахсида ахборот-коммуникатив компетенлик ривожи жорий ҳолатини педагогик диагностикасини амалга ошириш, унинг натижаси бўйича тингловчи-педагогларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган таълим технологияларини самарали татбиқ этиш лозим.

8. Педагогларда ахборот-коммуникатив компетенциялар тизимини таркиб топтиришда ахборотлашган жамият талаби ва ижтимоий-таълимий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникатив компетенцияларнинг функцияларини аниқлаштириш, шахсий ва касбий ахборот майдони лойиҳалашнинг уйғунлигига эришиш, мажмуавийлик ва яхлитлик каби жиҳатларни ҳисобга олиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

ЭШМАМАТОВ ИСМОИЛ АБСАЛАМОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ ТЕОРЕТИКО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГОВ В СРЕДЕ СОВРЕМЕННЫХ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 28.03.2018.Ped.02.05.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно – образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хусанбоева Кундуз Парпалиевна**
доктор педагогических наук, профессор
Тайлаков Норбек Исакулович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета Phd.28.03.2018. Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре университета (Адрес: 140104, г Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от «_____» _____ 2018 года).

Х.И. Ибрагимов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. пед. н., профессор

М.А. Файзиев

Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к. пед. н., доцент

Н.Ш. Шодиев

Председатель Научного семинара
по присуждению ученых
степеней, д. пед. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Внедрение информационно-коммуникационных технологий в мировую образовательную систему требует развития информационно-коммуникативной компетентности у педагогов. Программа Совета Европы «Образование и подготовка кадров», «Стратегия сотрудничества в области образования и профессиональной подготовки кадров государств Совета Европы до 2020 года» предусматривает улучшение качественных показателей непрерывного образования учителей. В то же время программа ЮНЕСКО «Развитие компетентности учителей по ИКТ» имеет важное значение для подготовки учителей в сфере эффективного внедрения технологий виртуального образования.

В мире существует особая потребность в повышении профессиональной компетентности у педагогов, в том числе, в разработке эффективных моделей развития информационно-коммуникативной компетентности, дидактическом обеспечении интерактивной среды обучения и ее реализации. Американской ассоциации библиотек образовательных и научно-исследовательских заведений (ACRL) было предложено исследовать информационную компетентность педагогов с точки зрения набора требуемых навыков поиска, оценивания и эффективного применения информации. Данный аспект в условиях информационной образовательной среды, позволяющий эффективно организовать интерактивное общение, также требует развития коммуникативной компетенции у преподавателя. Это позволяет выявить научно-исследовательские направления в развитии информационно-коммуникативной компетентности у педагогов.

Приоритетным направлением реформирования системы высшего образования в нашей республике является широкое внедрение интерактивных программ в образовательный процесс, а также обращает на себя отдельное внимание ускоренное развитие дистанционного обучения типа «Университета будущего». Это требует совершенствования педагогических механизмов развития информационно-коммуникативной компетентности у педагогов. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан «повышение качества и эффективности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов оценивания качества образования и обучения»¹ определяется как важная задача. Данные задачи на основе современных подходов свидетельствуют об актуальной важности совершенствовании содержания и практико-технологической структуры развития информационно-коммуникативной компетентности у педагогов в процессе повышения квалификации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, выдвинутых в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст. 70.

Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП 2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в широко масштабных реформах в стране» от 5 июня 2018 года, Постановление Кабинета Министров № 103 «О внесении дополнений и изменений в Положение о курсах переподготовки руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений и повышения их квалификации» от 27 февраля 2017 года и других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Педагогические основы повышения квалификации кадров, их педагогического профессионального развития, организационно-методические условия, социально-педагогические требования к организации данного процесса, роль информационно-коммуникационных технологий в повышении педагогического мастерства, значение информационно-коммуникативной компетентности в профессиональном развитии педагогов рассмотрены в работах А. Аминова, З. А. Артыкбаевой, У.Ш. Бегимкулова, Н.А. Муслимова, М. Дехконовой, М.Т. Жуманиёзовой, Ш.К. Мардонова, М.Т. Мирсолиевой, М.М. Ниматуллаева, Б. Нуриддинова, Д.М. Сайфурова, М. Файзиевой, Д.А. Хидоятовой, Т.Т. Шоймардонова, Р.Т. Юлдашева, А.Д. Аскарова и др.

